Куч — адолатда

2012 йил,
13 июль,
жума
№ 26 - 27 (384)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида жаҳон харитасидан жой олганига ҳадемай йигирма бир йил тўлади. Бу йилларнинг, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир лаҳзаси ўзига хос тарихий аҳамиятга эга. Зотан, бугун дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўрин эгаллаган Ўзбекистонимизнинг бу даражага етишиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

ИСТИҚЛОЛНИНГ МУНАВВАР ЙЎЛИ

Бунда истиқлолнинг илк кунларидан Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш дастури ишлаб чиқилгани алоҳида аҳамият касб этганини эътироф этиш жоиз. Унда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, умумбашарий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилгани амалда ўз самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» асарида халқимиз босиб ўтган миллий тараққиёт йўли чуқур таҳлил этилиб, бу борада икки тарихий давр муҳим ўрин тутгани ҳар томонлама чуқур асослаб берилган. Аввало, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган давр мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида беқиёс ва улкан, том маънода тарихий из қолдирган давр бўлди.

Шу билан бирга, мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври — 2001 йилдан бугунги кунгача бўлган муддатни ўз ичига олган навбатдаги босқич эса, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиш, аҳоли ҳаёт даражасининг муттасил ўсиб боришини таъминлаш борасида янада муҳим аҳамият касб этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик халқимиз табиатига хос фазилатлардандир. Доимо эзгуликка интилиш, одамийлик сифатларини улуғлаш ота-боболаримиздан мерос маънавий қадрият саналади. Билиб-билмай хатога йўл қўйган киши, агарда айбини англаб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса, уни кечириш ҳам ана шу бағрикенгликнинг бир кўринишидир.

Insonparvarlik tamoyillari

Ярашув институти

бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

Дарҳақиқат, хато қилган кишини кечириш унинг тўғри йўлга тушиб олиши учун берилган катта имкониятдир. Энг муҳими, ана шундай инсонпарварлик тамойиллари мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида қонунчиликда ўзининг теран ифодасини топди.

Айтиш керакки, 2001 йилда қабул қилинган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун асосида жиноятлар таснифи ўзгартирилди, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, шунингдек, ярашув институти амалга жорий этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Тиббий кўрик

оила мустаҳкамлигининг муҳим асоси

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, мамлакатимизда оиланинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Энг муҳими, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Қолаверса, жорий йилнинг мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили», деб аталиши ҳам бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқди.

(Давоми учинчи бетда)

Burch va mas`uliyat

Гаровнинг моҳияти

шартномада белгиланган мақсадга тўлиқ эришишдан иборатдир

Аввало шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 264-моддасида, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланиши, гаров закалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови шаклида, ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Қонунда гаров тўғрисидаги шартномани тузиш, унда акс этадиган ҳуқуқий ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилган. Масалан, бундай шартномада гаровга қўювчи келгусида қўлга киритадиган ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар гарови назарда тутилиши мумкин. Агар шартнома ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мол-мулкка нисбатан гаров ҳуқуқи мол-мулкни ўз ичига олади. Гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган даромадларга нисбатан гаров ҳуқуқи шартномада назарда тутилганидек татбиқ этилади.

Эътибор бериш керакки, гаров тўғрисидаги шартномада томонларнинг номи, манзили, гаров тури, гаров нарсаси ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати, гаровга қўйилган мол-мулкнинг рўйхати, шу билан бирга гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги кўрсатилиши лозим.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи кафолати

қонунларимизда ўз ифодасини топган

Мамлакатимизда инсоннинг барча ҳуқуқлари қатори унинг меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳам қонун билан кафолатланган. Жумладан, Конституциямизда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд қилинган.

Шунингдек, Асосий қонунимизда ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш суд идораларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларидир. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама тузилиши мумкин.

Huquq va majburiyat

Қоидага мувофиқ тузилган битим

турли низоларнинг олдини олишга хизмат қилади

Фуқаролик кодексининг 114-моддаси 2-қисми ва Олий суд Пленумининг **«Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»**ги қарорининг 9-бандида, битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслидагидай қайтариш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилмаган бўлса, унинг қийматини пул билан тўлаши шартлиги белгиланган.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

Илму маърифатни азиз билган юрт

Маълумки, истиқлол йилларида юртимизда халқимиз маънавиятини юксалтириш, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, модернизация қилиш борасида кўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён изчиллик билан давом эттирилаётир.

(Давоми тўртинчи бетда)

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, ҳаётда кимдир жаҳл устида, яна биров эътиборсизлик оқибатида хатога йўл қўйиши мумкин. Муҳими, бундай паллада айбдор ўз хатосини тушуниши ва уни қайта такрорламаслиги зарур. Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми бўлган ярашув институти ана шундай кишиларга — хатога йўл қўйган, аммо қилмишидан пушаймон бўлган одамларга енгиллик бериши билан янада муҳим аҳамият касб этди.

Энди мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Бешариқ туманида яшовчи Адҳам Саминов турмуш ўртоғи Озода Саминова билан жанжаллашиб қолади. Жаҳлга берилган Адҳам хотинига қўл кўтаради. Орадан маълум вақт ўтиб уйига иш билан келган қайниси Баҳодир Рўзиқулов билан ҳам ўртасида гап қочади. Адҳам унга ҳам қўл кўтаради.

Судга оид тиббий экспертиза хулосалари Озода билан Баҳодир тан жароҳати олганлигини тасдиқлади. Суд Адҳам Саминовни Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топди.

Шу ўринда иккинчи бир мисолга тўхталадиган бўлсак, Жарбоши қишлоғида яшовчи Ўринбой Нажмиддинов бундан ўн саккиз йил муқаддам Нодира Нажмиддинова билан турмуш қурганди. Улар аввалига бинойидек ҳаёт кечиришди, тўрт нафар фарзанд кўришди. Таассуфки, орага низо тушиб, икки йил аввал ажрашиб кетишди. Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 2010 йил 19 январдаги суд буйруғига биноан Ў.Нажмиддинов фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик даромадининг ярмини миқдорида алимент тўлаши керак эди. Аммо Ўринбой оталик масъулиятини унутиб, 2010 йилнинг июнь ойидан 2012 йилнинг апрелига қадар алимент пулларини тўламай келди. Натижада унинг қарзи 4.982.858 сўмга етди. Зиммасидаги мажбуриятини адо этмаган отага нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Баён этилган ҳар икки жиноят иши судда кўриб чиқилди.

Insonparvarlik tamoyillari

Ярашув институти

бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

Суд мажлисида эса жабрланувчилар Озода Саминова ва Баҳодир Рўзиқулов Адҳам Саминов билан ярашиб олганликларини билдиришди. Жабрланувчи Нодира Нажмиддинова ҳам Ўринбойнинг кечирим сўраб, 4.982.858 сўм алимент пулини тўлагани боис ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини маълум қилди.

Шу боис суд Жиноят кодексининг 66[1]-моддасини қўллаб, А.Саминов ва Ў.Нажмиддиновга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Албатта, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Ярашув институти қўлланган жиноят ишларининг барчасида айбдорлар жиноий жазодан, энг муҳими, «судланган» деган тамғадан халос бўлишмоқда. Шу маънода ярашув институти амалда ўзининг афзал томонларини яққол намоён этаётир. Қолаверса, ушбу институт халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик, йиқилганни суяшдек маънавий қадриятларнинг ҳуқуқий ифодаси сифатида ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Музаффар МАРАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Данғара тумани судининг раиси
Маъмуржон ЙЎЛДОШЕВ,
журналист

Mustaqilligimizning 21 yilligi oldidan

Истиқлолнинг мунаввар йўли

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ватанимиз истиқлоли бизга яна бир жиҳати билан қадрлики, бу йилларда аждодларимиздан қолган бой мерос, миллий қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланди. Агар ёдингизда бўлса, мустақилликнинг биринчи йили — 1991 йил Президентимизнинг ташаббуси билан буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий номи билан аталди. 1996 йил эса, Амир Темур йили, деб номланди. Пойтахтимиздаги Миллий боғда Алишер Навоий, Амир Темур майдонида Соҳибқирон бобомизнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади.

«Буюк аждодлар бажарган ишлар, фандаги ютуқлар ҳозирги ёшларга ўрнак бўлмоғи шарт. — дея таъкидлайди Президентимиз. — **Айниқса, Амир Темурнинг тарих олдидаги улуғ хизматларини ёш авлод онгига чуқур сингдирмоқ лозим».**

Зеро, буюк бобомиз Амир Темур тарихимиздаги энг ёрқин сиймолардан биридир. **«Шахсан мен «Темур тузуклари»ни ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандай бўламан,** — деб ёзади Президентимиз **«Юксак маънавият — енгилмас куч»** асарида. — **Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, «Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир» деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён».**

Таъкидлаш жоизки, истиқлол даврида юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган боболаримиздан яна бири ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоийдир. Маълумки, бугунги кунда мутафаккир бобомизнинг асарларини Америка, Англия, бир сўз билан айтганда, Ғарб-у Шарқда бирдек севиб мутолаа қилишади. Бунга истиқлол йилларида ҳазратнинг бой маънавий мероси тўла қайта тикланиб, уни дунё аҳлига таништириш ишлари изчил йўлга қўйилгани кенг йўл очди.

Давлатимиз раҳбари буюк бобомиз ҳақида фикр юритар экан, шундай таъкидлайди: **«Алишер Навоий бобомизни авлиё десак, у зот авлиёлар авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир».**

Маълумки, юртимизда азал-азалдан аниқ фанлар юксак даражада тараққий этган. Айниқса Мирзо Улуғбек фалакиёт, юлдузлар ҳақидаги илмда ниҳоятда илгарилаб кетди. Аниқ фанлардаги янгиликлар бадиий адабиётда ҳам акс эта бошлади. Масалан, Алишер Навоий достонларида фалакиёт, денгиз ортидаги сиру синоатлар ҳақида қизиқ-қизиқ далиллар келтирилган. Бошқача айтганда, улар юксак тафаккурлари билан еру осмон, денгизу тоғлар, тирик мавжудот аро мураккаб боғлиқликларни асосли тарзда исботлаб берганлар.



«...1996 йили Парижда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош котиби Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдимга тушади, — деб ёзади давлатимиз раҳбари Ислом Каримов **«Юксак маънавият — енгилмас куч»** асарида. — **Ўша пайтдаги ЮНЕСКО раиси Майор Улуғбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари бугунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атиги бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга жавобан, йўқ, жаноб Федерико Майор Улуғбек хато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мумкин, деган эдим. Гарчи бу гап дўстона лутф тариқасида айтилган бўлса-да, ўйлайманки, унинг замирида чуқур ҳақиқат мужассам».**

Улуғ аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос қадри, замонлар ўтса-да, асло пасаймайди. Аксинча, уларни қанча кўп ўргансак, буюк боболаримиз тафаккурнинг ғоятда юксак чўққиларини забт этганига ва шу тариқа инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшганига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиламиз. Шу маънода мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, она-Ватанимиз равнақини оширишда фозил аждодларимизнинг ўгитлари муҳим аҳамият касб этади.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

Qonun ko`magi

Ишончли ҳамкорлик — муваффақият гарови

бунинг учун шартнома талабларига тўлиқ риоя этмоқ лозим

Айтиш керакки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилган бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек, ҳорижий инвесторлар ва инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, эркин фаолият кўрсатиши кафолатли ҳимоя қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг **«Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори билан Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Ушбу долзарб вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бахмал туманида фаолият кўрсатадиган «Al-Samur-Tia» Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси раҳбари М.Алимов вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб,



Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамияти раиси А.Курбонов томонидан 2010 йилдан буён қўшма корхонага 25.000.000 сўм қарзни тўлаб бермай келинаётганини қайд этиб, «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамиятидан 25.000.000 сўм асосий қарз ва пеня ундиришда амалий ёрдам кўрсатишни сўраган.

Ушбу мурожаат юзасидан ўтказилган ўрганиш жараёнида аниқланишича, ҳақиқатан ҳам, «Al-Samur-Tia» қўшма корхонаси билан «Бунёдкор» МЧЖ ўртасида 2010 йил 1 июлда 10-сонли шартнома тузилган. Ушбу шартноманинг 1-бандига асосан, қўшма корхона «Чодак» сейсмостанциясини қуриш ва 2010 йил 31 декабргача ушбу ишларни якунига етказиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шартномага кўра, иш ҳажми қиймати 73.200.000 сўмни ташкил этган. «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамияти аванс сифатида қўшма корхонага 21.000.000 сўм тўлаши ва қолган маблағни бажарилган ишлар далолатномаси (Ф2) ва ҳисоб-фактурага асосан 3 кун муддат ичида тўлаб бериши керак эди.

Бироқ қўшма корхона ўз зиммасига олган ишлардан 63.395.000 сўмлик ишни бажариб топширса-да, масъулияти чекланган жамият 37.000.000 сўм тўлаб берган, қолган 25.000.000 асосий қарзни бермай келган.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамиятидан «Al-Samur-Tia» қўшма корхонаси фойдасига 25.000.000 сўм асосий қарз ва 12.500.000 сўм пеня, жами 37.500.000 сўмни ундириб бериш тўғрисида Тошкент вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Ушбу даъво аризаси вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя этилган ҳар бир тадбиркор ўз ишига янада масъулият билан ёндашиб, фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бундай изланишлар эса, ўз навбатида, умумиқтисодиётимиз ривожига хизмат қилади. Шу боис ҳам тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ муҳофаза қилиш ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, адлия идораларининг доимий диққат-эътиборидадир.

Аъзам БОЙБЕКОВ,
Бунёд АЗИЗОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходимлари

Mezon

Мурожаат қилиш ҳуқуқи

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг манфаатлари устуворлигини таъминлашга хизмат қиладиган асослардан бири — фуқароларнинг мурожаат қилиш институти шаклланди.

Энг асосийси, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, Конституциямизнинг 35-моддасида **«Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга»** дея қайд этилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Мамлакатимизда ушбу конституциявий тамойилни тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**, **«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»**ги қонунлар қабул қилинди.

Қонунда фуқароларнинг мурожаатлари таклиф, ариза, шикоят кўринишида бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ҳар қандай кўринишдаги мурожаат келиб тушган кундан бошлаб, агар у қўшимча ўрганиш ёки текширишни талаб қилмаса, ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилиши шарт. Агар мурожаат қўшимча ўрганишни талаб қилса, кўрсатилган муддат бир ойни ташкил этади. Бироқ бу ҳақда мурожаат қилган фуқарога ўн кунлик муддат ичида хабар берилиши лозим.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида мурожаат қилган фуқаролар шахсан иштирок этишади. Бу эса, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда очиқ-ошкораликни таъминлаш кафолати саналади. Шунингдек, мурожаат давлат органлари томонидан кўриб чиқилаётганда фуқаро унинг натижалари ҳақида ахборот олиш, изоҳлар бериш, қўшимча материаллар тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш маъмурий ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Яъни мурожаатнинг кўриб чиқишни асоссиз рад қилиш, унинг кўриб чиқиш муддатини узрли сабабсиз бузиш, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этиш Жиноят кодексининг 144-моддасида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Камолиддин МУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Тайлоқ тумани судининг раиси

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда бевосита мисолларга тўхтаб ўтсак, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар К. Абатованинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилиб, даъвогар мактаб директори лавозимига қайта тикланган.

Чунки Меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-қисмида, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди (корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно), деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, Олий суд Пленумининг **«Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»**ги қарорининг 16-банди талабига кўра, иш берувчи ташаббусига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонунийлигига оид низоларни ҳал қилишда судлар, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган иш берувчининг ташаббусига кўра, меҳнат шартномасини ходимнинг вақтинча ишга қобилиятсиз ва таътил вақтида бўлган вақтларда бекор қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги Меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-қисми талаблари инобатга олинганлигини аниқлаши керак, деб тушунтириш берилган.

Аниқланишича, даъвогар К.Абатовани лавозимидан озод қилиш ҳақидаги буйруқ чиқарилган вақтда у вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган, бу вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тўғрисидаги варақа билан ҳам тасдиқланган. Иш берувчи томонидан юқорида қайд қилган қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги боис суд даъвони қаноатлантириш ҳақида тўғри хулосага келган.

Шу ўринда ишга тиклаш масаласида судларга мурожаат қилиш борасида даъво муддати муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки Меҳнат кодексининг 270-моддаси 1-қисмида, судга ёки меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат этиш учун ишга тиклаш билан боғлиқ низолар бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой эканлиги белгилаб қўйилган бўлса, Олий суд Пленумининг юқорида қайд қилинган қарорида, ишга тиклаш ҳақидаги низо бўйича ариза ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида бевосита судга берилиши, суд даъво муддати узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган деб топса, бу муддатни тиклаши, акс ҳолда эса, суд ишдаги ҳужжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборилганлигини аниқласа, даъвони рад этиши, Фуқаролик процессуал кодексининг 8-моддаси ҳамда Фуқаролик кодексининг 153-моддаси 2-қисми мазмунидан келиб чиқиб, даъвогарнинг судга мурожаат этиш муддатини ўтказиб юборганлиги масаласи суд томонидан фақат низодаги тарафнинг берган аризасига мувофиқ қўлланилиши қайд этилган.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилади. Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек, нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши талаб этилади. Ушбу қоидаларга риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади.

Гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш тўғрисидаги даъволарни ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Хусусан, кредит ташкилоти ва гаровга қўювчи ўртасида мустақил гаров шартномаси шаклига эга ёки кредит шартномасига таркибий қисм бўлиб кириши мумкин бўлган ёзма гаров шартномаси мавжудлиги, агар қонун ҳужжатларида бундай шартномаларни рўйхатга олиш тартиби белгиланган бўлса, гаров шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, гаровга қўйилган мулк фақат мулкдорнинг розилиги билан кредитор (гаровга олувчи)га гаровга берилишини суд томонидан текшириш фуқаролик иши бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг қонунийлигини таъминлайди.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилояти бошқармаси «Микрокредитбанк»нинг Қарши шаҳар филиали манфаатларини кўзлаб, жавобгар «Yuraktepa Yogdusi» МЧЖ ва қўшимча жавобгар Мавжуда Остонаевага нисбатан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, кредит ва фоизни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган. Аниқланишича, «Микрокредитбанк»нинг Қарши шаҳар филиали билан «Yuraktepa Yogdusi» МЧЖ ўртасида 2011 йил 16 июнда кредит шартномаси тузилган. Шартнома шартига кўра, МЧЖга олти фоиз устама тўлаш шарти билан 1 йил муддатга 15.000.000 сўм кредит маблағи ажратилган. Кредит таъминоти сифатида қўшимча жавобгар М.Остонаевага тегишли «Нексия» русумли автомашина гаровга қўйилган. Бироқ жавобгар зиммасидаги мажбуриятни унутиб, «Микрокредитбанк»нинг Қарши шаҳар филиалига кредит маблағи ва унга ҳисобланган фоизларни тўламаган. Натижада, туманлараро суднинг ҳал қилув қарори билан жавобгар «Yuraktepa Yogdusi» МЧЖ ва қўшимча жавобгар М. Остонаеванинг гаровга қўйилган «Нексия» русумли автомашина ҳисобидан «Микрокредитбанк»нинг Қарши шаҳар филиали фойдасига 13.677.000 сўм асосий қарз ва 100.000 сўм кредит фоизи ундириб берилган.

Burch va mas`uliyat

Гаровнинг моҳияти

шартномада белгиланган мақсадга тўлиқ эришишдан иборатдир



Бошқа бир мисолда эса, Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилояти бошқармаси «Микрокредитбанк»нинг Қарши шаҳар филиали манфаатларини кўзлаб, жавобгар «Бобур мобил алоқа сервис» хусусий корхонаси ва қўшимча жавобгар А.Эшмуродовга нисбатан худди шундай даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, «Микрокредитбанк»нинг Қарши шаҳар филиали билан «Бобур мобил алоқа сервис» хусусий корхонаси ўртасида 2011 йил 10 февралда кредит шартномаси тузилиб, шартномага кўра, корхонага бош фоиз устама тўлаш шарти билан 3 йилга 25.000.000 сўм кредит маблағи ажратилган. Кредит таъминоти сифатида қўшимча жавобгар А.Эшмуродовга тегишли «Нексия» русумли автомашина гаровга қўйилган. Жавобгар «Бобур мобил алоқа сервис» хусусий корхонаси кредитдан мақсадли фойдаланиш ва уни ўз вақтида тўлиқ қайтариш мажбуриятларини бажармаган. Шу сабабли суд томонидан даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилинди ва ундирув гаровга қўйилган «Нексия» русумли автомашинага қаратилди.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 744-моддаси 1-бандига асосан, кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тараф (қарз олувчи)га шартномада назарда тутилган миқдор ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса, олинган пул суммасини тўлаш мажбуриятини олади. Шунга мувофиқ, гаров шартномасида кредитдан унумли фойдаланиш, сўнг уни ўз вақтида қайтариш мажбурияти юклатилган қарз олувчи, модомики, бурчларини бажармас экан, келишувга биноан, ундирув кредит таъминотига, юқоридагидай ҳолатда эса, гаровга қаратилиши қонунийдир.

Мухтасар қилиб айтганда, гаров шартномасида кўзда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида адо этиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, белгиланган шартлар бажарилгандагина ушбу шартномадан кўзланган мақсад амалга ошади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Шеркул ХОЛИҚОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Тиббий кўрик

оила мустаҳкамлигининг муҳим асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Таъкидлаш жоизки, эр ва хотиннинг ҳар жиҳатдан соғломлиги оила мустаҳкамлиги, соғлом фарзандлар дунёга келишини таъминлайдиган энг асосий омилларидан бири саналади. Шу маънода 2003 йил 25 августда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»**ги Низомнинг тасдиқланиши соғлом оилани шакллантириш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишини олдини олишда мустаҳкам пойдевор бўлди.

Ушбу Низомда никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши бепул амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Никоҳдан ўтиш арафасидаги ёшлар ўзлари яшаб турган жойдаги ФҲДЁ бўлимига ариза билан мурожаат қилгач, уларга доимий ёки вақтинча яшаш жойидаги тиббий муассасадан кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади. Шу тариқа никоҳланувчилар беш турдаги, яъни руҳий, гиёҳвандлик, сил, заҳм ва ОИВ касаллиги бўйича тиббий кўрикдан ўтказилади.

Шунингдек, Низомда никоҳланувчи шахслар никоҳ қайд қилингунга қадар бир-бирларини тиббий текшириш натижаларидан хабардор қилиши, ФҲДЁ идораси эса, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги ва икки томоннинг шифокор текшируви натижаларидан хабардор эканлигига ишонч ҳосил қилиши шартлиги ҳам қатъий белгиланган.

Оила мустаҳкамлигини таъминлаш йўлида ана шундай шарт-шароитлар яратилганига қарамай, баъзи фуқароларнинг тиббий кўрикдан ўтмай оилавий муносабатга киришаётган ҳолатлари ҳам учраб туради.

Яқинда судга Т.Мирзаева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ариза билан мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи М.Салимов билан ўрталаридаги мулкий низони ҳал этиб беришни сўраган. Суд жараёнида аниқланишича, Т.Мирзаева М.Салимов билан ҳали қонуний никоҳдан ўтмай турмуш қуришган. Уларнинг никоҳ тўйи куёв томоннинг «ташаббуси» билан бир ҳафта ичида ўтказилган. Куёвнинг ота-онаси келин томонга қонуний никоҳни тўйдан сўнг расмийлаштиришни айтган. Тўйдан сўнг келин билан куёв бор-йўғи бир ой яшашган. Чунки бу орада куёвнинг руҳий касал эканлиги ошкор бўлиб қолган...

Энди келиннинг ота-онаси «агар биз тўйдан олдин қонуний никоҳдан ўтишни қатъий талаб қилганимизда, ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишига панжа орасидан қарамаганимизда қизимиз бахтсиз бўлиб қолмасди», деб афсус чекиб юришибди. Аммо энди кеч.

Юқорида баён этилган воқеа ҳам оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиш нечоғлик катта аҳамиятга эгалигини яна бир карра тасдиқлайди.

Шу маънода никоҳланувчи ёшларнинг ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиши, қонуний никоҳ оила мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим асос эканини маҳалла, олий ўқув юртларида янада кенгроқ тарғиб қилиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаёт ҳар бир инсонга бир марта берилади. Шундай экан, оила қуришга ўта масъулият билан ёндашиш жоиз. Зеро, бугун «ёр-ёр» садолари остида оила аталмиш муқаддас қўрғон остонасини ҳатлаётган ёшлар умрбод бир ёстиққа бош қўядилар. Қурилажак оиланинг илк ғишти қандай қўйилиши эса, энг аввало, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва никоҳланаётган ёшларнинг ўзларига боғлиқ. Демак, бу борадаги юксак масъулиятни унутишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Муяссар СУЛТОНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

Huquq va majburiyat

Қоидага мувофиқ тузилган битим

турли низоларнинг олдини олишга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, даъвогар Ж.Мадалиев жавобгарлар — Боёвут тумани давлат нотариал идораси, фуқаролар С.Саидов ва З.Файзуллаевага нисбатан уй-жойнинг олди-сотди шартномасини бекор қилиш, уй-жойдан кўчириш, олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топишни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ўз навбатида, фуқаро С.Саидов жавобгарлар — З.Файзуллаева ва Ж.Мадалиевга нисбатан судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзини инсофли эгалловчи, деб топишни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, нотариал идора томонидан берилган ишончномага асосан, сотувчи З.Файзуллаева ва сотиб олувчи С.Саидов ўртасидаги низоли уйнинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилган.

Ж.Мадалиев ва Н.Ортиқова ўртасида 1999 йил 22 апрелда тузилган низоли уйнинг олди-сотди шартномаси ҳақиқий, деб ҳисобланган. С.Саидов низоли уйдан бошқа турар-жой бермасдан мажбурий тартибда кўчирилган.

С.Саидовнинг қарши даъвоси рад этилган ва унинг фойдасига жавобгар З.Файзуллаевадан уй учун берилган беш юз минг сўмни ундириш белгиланган.

Суд мажлисида аниқланишича, низоли уй-жой Н.Ортиқовага 1997 йил 27 ноябрдаги меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан тегишли бўлган, 1999 йил 22 апрелдаги олди-сотди шартномасига асосан Ж.Мадалиев уйни Н.Ортиқовадан сотиб олган. Аммо олди-сотди шартномасини давлат кадастр бўлимидан рўйхатдан ўтказмаган. Шундан сўнг Н.Ортиқова З.Файзуллаевага низоли уйни сотиш ҳуқуқи билан давлат нотариал идораси орқали ишончнома берган. Ушбу ишончнома орқали З.Файзуллаева уйни С.Саидовга сотган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан низоли уй-жой Д.Мадалиева ва Ж.Мадалиевнинг умумий мулки деб топилиб, Д.Мадалиева уй-жойга яшаш учун киритилган.

Гувоҳи бўлганимиздек, Ж.Мадалиев 1999 йил 22 апрелдаги олди-сотди шартномасига асосан, уйни Н.Ортиқовадан сотиб олган. Уй-жой кодексининг 22-моддасига асосан, фуқаролар олди-сотди шартномаси орқали уй-жойни хусусий мулк қилиб олиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда низоли уй Ж.Мадалиевнинг хусусий мулки ҳисобланади.

З.Файзуллаева уй-жойни 1999 йилда Ж.Мадалиев сотиб олганлигини билиб туриб, унинг 2004 йил 31 июлда қамоқда эканлигидан фойдаланган ва Н.Ортиқовани алдаб, уй-жойни сотиш ҳуқуқи билан ишончнома олган. Сўнг уйни С.Саидовга 500.000 сўмга сотиб юборган. Н.Ортиқова эса, уйни Ж.Мадалиевга 1999 йилда сотган бўлишига қарамасдан, З.Файзуллаевага ҳам сотиш ҳуқуқи билан ишончнома берган, бу жавобгар З.Файзуллаеванинг судда берган кўрсатмаси билан тасдиқланди.

Фуқаролик кодексининг 123-моддаси 1-қисмига кўра, алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан эгри ниятда келишиши натижасида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса, бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Шуни эътиборга олиб, суд туман давлат нотариал идораси томонидан 2004 йилда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, 1999 йилдаги олди-сотди шартномасини эса, ҳақиқий, деб топди.

Бундан ташқари суд даъвогарнинг уйдан кўчириш ҳақидаги даъвоси бўйича жавобгар С.Саидовни Ж.Мадалиевга тегишли бўлган низоли уйдан мажбурий тартибда бошқа тураржой бермасдан кўчириш ҳақида тўғри хулосага келган.

Шунингдек, суд С.Саидовнинг қарши даъвосини низоли уй-жой Ж.Мадалиевнинг хусусий мулки эканлиги, С.Саидов уй-жойни Ж.Мадалиевдан сотиб олмаганлиги сабабли рад этган.

Фуқаролик кодексининг 114-моддаси 2-қисмига асосан, суд жавобгар С.Саидовнинг фойдасига жавобгар З.Файзуллаевадан уй-жойни сотиб олиш учун берган 500.000 сўмни ундирган.

Фуқаролик кодексининг 114-моддаси 1-қисмига мувофиқ, ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларни вужудга келтирмайди ва у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Шунингдек, битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўлиқ ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса, битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий, деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб этилмайди.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир фуқаро кўчар ёки кўчмас мулкни сотиб олар экан, албатта, унинг олди-сотди шартномасини қонуний тартибда расмийлаштириши шарт. Зотан, тартиб-қоидага амал қилган, ҳар бир ишида қонунга суянган киши ҳеч қачон адашмайди. Аксинча, ҳуқуқий меъёрларга бепарво қараш, бурч ва мажбуриятларни унутиш турли низоларни келтириб чиқаради.

С.САТТОРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, никоҳ шартномасида қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар акс этиши лозим?

Х.НОСИРОВ,
Бувайда тумани

— Оила кодексининг 31-моддасига кўра, эр ва хотин никоҳ шартномасига ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, бир-галикда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиш, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олиш, шунингдек, никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидаларни киритишга ҳақли.

Никоҳ шартномаси эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз, таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг меъёрларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тутмайди.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

ҳуқуқи кафолати

қонунларимизда ўз ифодасини топган

Шу ўринда мавзуга оид яна бир мисолга эътибор қаратсак, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар К.Нуримовнинг жавобгар «Шимолгазтаъминот» унитар корхонаси филиалига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий бўш юрган кунлари учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво аризаси қисман қаноатлантирилган. Яъни даъвогарнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъво талаби рад қилиниб, унинг иш ҳақи ундириш ҳақидаги талаби таъминланган. Чунки даъвогар К.Нуримов «Шимолгазтаъминот» унитар корхонаси филиалида электрик лавозимидан корхона раҳбарининг 2011 йил 12 декабрдаги буйруғи билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан озод қилинган. Унга буйруқ кўчирмаси 16 декабрь куни берилган бўлса-да, у даъво муддатини узрсиз сабаблар билан ўтказиб юбориб, судга 2012 йил 3 февралда мурожаат қилган.

Меҳнат кодексининг 108-моддасида, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт,



деб кўрсатилган, 275-модданинг 1-қисмида эса, низони ҳал қилаётган орган меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаганлик оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ходимнинг ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларини тўлиқ қондириши лозимлиги қайд қилинган. Судда жавобгар томонидан даъвогарнинг меҳнат дафтарчаси уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарилган вақтда берилмасдан, орадан бир ярим ой ўтгач, яъни 2012 йил 23 январда алоқа бўлими орқали жўнатилганлиги аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг, айни пайтда корхона, ташкилот раҳбарларининг ҳам асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Зотан, меҳнат қилиш инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан биридир. Бинобарин, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш борасида асло бепарволикка йўл қўйиб бўлмайди.

Тоғайторе КАЛЛИБЕКОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича олий судининг раиси

Huquqiy ma`rifat

Ворислик ҳуқуқи

унинг қонуний асослари нималардан иборат?

Мерос олиш, яъни ворислик ҳуқуқи, амалдаги қонунчилик талабига кўра, мерос очилиш фактининг зарур белгиси бўлган фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган, деб эълон қилинишидан сўнг вужудга келади. Ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Албатта, ҳаётда турли хил вазиятлар учрайди. Масалан, мерос қолдирувчи ҳар доим ҳам васиятнома ёзиб қолдиролмайди. Ана шундай ҳолатда, яъни мерос мулк васиятнома бўлмаган тақдирда ворислар ўртасида ихтиёрий келишув асосида тақсимланади. Бундай келишув бўлмаса, ворислар ўртасидаги низо суд томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Одамнинг энг бахтли вақти — бошқаларга эзгулик қилган онларидир.

* * *

Ўзингиздан олдин келган одамлардан ибрат олинг, кейингиларга ибрат бўлинг.

* * *

Қалбингнинг роҳатда бўлишини истасанг, пок ва холис ниятли бўл.

* * *

Ўқиш билан уқиш бир хил эмас. Уқмасдан ўқиган киши ўқишдан талаб этилган мақсадга хизмат этмаган кишидир.

* * *

Кўнглида гина сақлаб юрган киши ҳеч кимга мақбул бўлмайди.

* * *

Меҳнатни севмаган ялқов киши ҳар турли номақбул ишлардан тийилмайди.

Islohot va samara

Илму маърифатни азиз билган юрт

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу борада дастлаб таълим тизимининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, **«Таълим тўғрисида»**ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ, мустақилликнинг ўтган даврида юртимизда жаҳон андазоларига мос таълим тизими шакллантирилди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда таълим соҳасида эришилган ютуқлар Тошкент шаҳрида 2012 йилнинг 16–17 февраль кунлари бўлиб ўтган **«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти»** мавзусидаги халқаро анжуманда жаҳоннинг кўплаб давлатларидан келган мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, олимлар томонидан ҳам юксак эътироф этилди.

Дарҳақиқат, таълим-тарбия соҳасида босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлар бугун ўз самарасини бераётир. Биргина мисол келтирадиган бўлсак, олий ўқув юртларига тест синовлари асосида қабул қилиш тизимининг жорий этилгани таълимни дунё стандартларига мослаштириш, шунингдек, ёшларнинг билими, иқтидори ва салоҳиятини адолатли баҳолашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, иқтидорларини рўёбга чиқаришда уларга яратилаётган шарт-шароитларнинг ҳам ўрни беқиёс. Шу маънода мамлакатимизда янги-янги таълим масканлари барпо этилаётгани, шунингдек, билим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув-услубий ва техник жиҳозлар билан таъминлаш, такомиллашган давлат стандартлари асосида дарсликлар, ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар яратиш борасидаги аниқ чора-тадбирлар ёшларнинг чуқур билим олиши, касб-ҳунар эгаллашида муҳим омил бўлмоқда.

Маълумки, комил инсон деганда, ҳар жиҳатдан етук — ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниққан шахсни тушунамиз. Шу маънода юртимизда ёшларни спортга жалб қилиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар диққатга сазовордир. Жумладан, дунёда мисли йўқ уч босқичли спорт ўйинлари — олий ўқув юртлари талабалари учун Универсиада, касб-ҳунар коллежлари ва мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод» ва «Умид ниҳоллари» мусобақалари ёшларимизни спортга қизиқтириш, уларнинг иқтидорларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутмоқда. Ўз вақтида ушбу спорт мусобақаларида қатнашган, эндиликда жаҳон миқёсида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчи ёшларимиз барчамизнинг ғуруримиз, ифтихоримиздир.

Ҳаётда ўқувчига энг яқин одам, назаримда, ўқитувчи ҳисобланади. Шу маънода доимо ўқувчилар орасида юриб, уларнинг замон билан ҳамнафаслиги, чет тилларини ўрганиш, компьютер соҳасидаги билимларни ўзлаштириш борасидаги изланишларига гувоҳ бўламан. Айтиш керакки, бугунги кунда 2-Тошкент юридик коллежида ҳам юзлаб иқтидорли ўғил-қизлар таълим олишмоқда, касб сир-асрорларини эгаллашмоқда. Уларнинг билим олишга бўлган иштиёқи, касб сирларини эгаллашдаги интилишлари ўқитувчи сифатида мени қувонтиради. Аминманки, маърифатга ошно бўлган, дунёқараши кенг, замонавий ахборот технологиялар сирларини эгаллаган ёшлар юртимизни янада тараққий эттиришга, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқишга ҳар жиҳатдан қодирдир. Зотан, бугун уларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассамдир.

Гулноза ЙЎЛДОШЕВА,
2-Тошкент юридик коллежи катта ўқитувчиси

Бу ҳаётда ҳар бир нарсанинг меъёрида бўлгани яхши. Айтайлик, ҳаддан ташқари кўп ухлаш кишини беҳол қилиб, қон айланишини қийинлаштиргани каби узоқ вақт ухламаслик ҳам изсиз кетмайди — турли хил руҳий патологияларга сабаб бўлади. Бундан ташқари умуман ухламайдиган одам узоқ яшолмайди. Албатта, бу шифокорларнинг илмий асосланган фикри. Лекин дунёнинг ишларини кўрингки, уйқу ва уйқусизликда ҳам сир кўп экан.

Bu turfa olam

Биз билган ва билмаган дунё

уйқусизлик хасталикми ёки...

Бундан қарийб икки аср аввал Нью-Жерси штатининг Трентен шаҳрида Ал-Херпин деган киши тўқсон ёшга тўлиб дунёдан ўтган. Унинг ғарибгина кулбасидаги жиҳозларнинг бошқаларникидан фарқ қиладиган бир жиҳати бор эди. Яъни бу уйда на кароват, на кўрпа-тўшак кўзга ташланарди. Чунки Ал-Херпин умри давомида бир дақиқа ҳам ухламаган, бинобарин, ухлаш учун зарур бўлган анжомларга эҳтиёж сезмаган. Бундай бўлиши мумкин эмас, дейсизми? Чиндан ҳам, икки-уч кун, борингки, бир ҳафта ухламаслик мумкиндир, аммо тўқсон йил...

Қизиғи шундаки, аввалига шифокорлар ҳам Херпин бобонинг бу қадар узоқ муддат ухламасдан юрганига шубҳа билан қарашган. «Бу чол тушмагур ҳаммани лақиллатиб, вақт-бевақт билинтирмай мизғиб олаяпти», деган гумон билан ҳатто навбатчилик ташкил этиб, қарияни уззукун кузатишган. Бироқ «миш-миш»лар рост бўлиб чиқади: чол кундузи ҳамма қатори юмушлар билан банд бўлар, оқшомдан тонгга қадар эса, эски креслосида ўтириб олганча, газетами, китобми ўқиш билан машғул эди.

Энг ҳайратланарлиси, уйқусизлик Ал-Харпингга таъсир қилмасди. Унинг руҳияти ҳам, иштаҳаси, саломатлиги ҳам рисоладагидек эди.

— Бир пайтлар онам ойкуни яқинлашган пайт йиқилиб тушиб, лат еган. Балки туғилганимдан буён ухламаслигимнинг сабаби шундадир, — деган экан шифокорларга муолажалар таъсир қилмаган Ал-Харпиннинг ўзи.

Яна бир уйқусизлик дардига чалинган одам эса, Индиана штатида истиқомат қилувчи Дэвид Жонсон деган фермердир. Дэвид Жонсон бундан икки йил муқаддам 93 сутка, ўтган йили эса, 131 сутка мутлақо ухламаган. Ҳозир у яна навбатдаги уйқусизлик касалига чалинган. Бу гал у тўлиқ шифокорлар назорати остида.

Дэвиднинг айтишича, у ухламаган пайтлари одатдагидек овқатланади, яқинлари билан суҳбат қуради. Аммо анча серташвиш бўлиб қолади, тинмай ишлайди. Шу маънода уйқусизлик унга мутлақо халақит қилмайди, аксинча, вақтдан ютишига ёрдам беради.

— Назаримда, энди ҳеч қачон ухламасам керак, — дейди Дэвид.

У бу касалликка қандай чалиниб қолганини билмайди.

— Ёшлигимда кўп чекардим. Эҳтимол, шу сабабдир, — дейди Дэвид елка қисиб.

Ҳа, Дэвид Жонсон ва унга ўхшаш уйқусизлик дардига чалинган кишиларда табиатнинг ўзгача, бизга номаълум бир сири намоён бўлаётгандай. Гарчи шифокорлар турли хил тахминларни ўртага ташлаётган эса-да, уйқусизлик сири ҳали-ҳамон очиқлигича турибди.

Шундай дардга чалинганлардан яна бири 1960 йилнинг 29 ноябрида Мадрид шаҳрига пою пиёда кириб келади. Бу олтмиш бир ёшли Валентин Медин деган киши эди. У истиқомат қиладиган жанубий Касталиндаги ферма Мадриддан нақ 140 мил нарида жойлашган бўлиб, саёҳатчи бу масофани 4 кечаю 4 кундузда босиб ўтади. Бу вақт мобайнида у деярли дам олмаган, оёқлари чарчоқдан зирқирагандагина бироз тўхтар, бир-икки дақиқа тин олгач, яна йўлида давом этарди. Хўш, Мединни бунча масофани дам олмай босиб ўтишга нима мажбур қилди?

Гап шундаки, у қишлоғидан пойтахтга ўзининг уйқусизлик дардига даво излаб келганди. Узоқ текширувлардан сўнг бу одам ҳақиқатан ҳам, уйқусизлик касалига чалингани аниқланди.

— Мен тинмай ишлайман, аммо ҳеч қачон чарчаганимни билмайман, — дейди Валентин бобо. — Ўзим ҳаммолман. Иш ҳақимни олаётганда ҳозиргача имзо ўрнига бармоқ босаман. Чунки саводим йўқ. Шунинг учун ўқиш ва ёзишни ўрганмоқчиман. Шояд уйқусиз ўтадиган тунларимда ҳеч бўлмаса, китоб ўқиш асқотса.

Шифокорлар ухлатадиган дори-дармонларнинг бир талайини унинг қўлига тутқазиб, уйига кузатиб қўйишди. Чунки Медин умрида биринчи марта қишлоғидан четга чиққан эканда!

Орадан уч ҳафта ўтгач, Медин яшайдиган қишлоқ шифокоридан пойтахтдаги ҳамкасбларига хат келди: «Қадрли ҳамкасабалар! Мединга кўрсатган меҳрибончиликларингиздан бошим кўкка етди. Аммо таассуфки, у сизлар берган хапдориларни ичишни тўхтатди. Чунки бу дорилар туфайли унинг оёғи «ухлаб», яъни оғирлашиб юрмай қолса ҳам, мияси ҳамон бедордир!».

Бунисига нима дейсиз?!

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.

Huquqiy ma`rifat

Ворислик ҳуқуқи

унинг қонуний асослари нималардан иборат?

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шу ўринда ҳаётий мисолларга мурожаат этсак, даъвогар С.Храбров жавобгар В.П.Храбров ва давлат нотариал идорасига нисбатан меросхўр деб топиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Аниқланишича, даъвогар С.Храбров Навоий шаҳри «Халқлар дўстлиги» кўчасидаги 45-уйининг 47-квартирасини 1993 йилда ўз номига хусусийлаштирган. Ушбу квартирада С.Храбровдан ташқари унинг онаси В.С.Храброва ва укаси В.П.Храбров ҳам рўйхатдан ўтган. Шу боис улар ҳам хусусийлаштиришда иштирок этиб, ҳар бирига низоли квартиранинг учдан бир қисми тегишли эканлиги белгиланган. Жавобгар В.П.Храбров улушли мулк бўлган квартирада рўйхатда турса-да, оиласи билан бошқа уйда яшаган. Уларнинг онаси В.С.Храброва 2009 йил 17 сентябрда вафот этган. Шундан сўнг унинг умумий мулкдаги ҳиссасига нисбатан мерос очилган. Нотариус негадир даъвогарга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани беришдан бош тортиб келган. Даъвогар даъво талабида онасидан қолган мерос улушга ўзининг меросхўр, деб топишни сўраган. Чунки В.С.Храброва 2005 йил 13 июлда нотариал тартибда тасдиқланган ариза қолдирган бўлиб, унга кўра, ўзининг ўлимидан сўнг ўғли В.П.Храбровни ворислик ҳуқуқидан маҳрум қилган.

Ишни кўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича туман суди С.Храбровнинг даъвосини қаноатлантириб, уни улушли мулкнинг онасига тегишли қисмига нисбатан ворис, деб эътироф этди.

Дарҳақиқат, мерос қолдирувчи шахснинг меросхўрларни изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли эканлиги Фуқаролик кодексининг 1120-моддасида белгилаб қўйилган.

Қисқача қилиб айтганда, ворислик муносабатларидан келиб чиқадиган низолар қандай кўринишда бўлмасин, уларни ҳал этиш учун амалдаги қонунчилигимизда етарли ҳуқуқий асослар яратилган. Бу қонун ҳужжатлари фуқароларнинг ворислик ҳуқуқи ва мерос мулкининг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тўлқин БЕКНАЗАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси

Маълумки, қонун билан белгиланган божхона тўловлари, солиқ ва бошқа йиғимларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз ҳисобланади. Бироқ ҳаётда зиммасидаги бурчни бажаришга лоқайдлик билан қарайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Шулардан бири Дилшод Сатторов (исм-фамилиялар шартли) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаши оқибатида уч марта жавобгарликка тортилганига қарамай, ҳамон қилмишидан тўғри хулоса чиқармаган экан. Йўқса, у яна шундай жиноятга қўл урмасди...

Jinoyat va jazo

Тўғри йўл муродга элтади

2000 АҚШ долларига «Нексия» русумли автомашина сотилаётганини эшитган Дилшод аслида машинанинг ҳужжатлари йўқлиги, қолаверса, хориждан яширин йўллар билан юртимизга келтирилганини билса-да, нафсини тиёлмади. Аксинча, машина учун 2000 АҚШ долларини бергач, энди уни «қонунийлаштириш» устида бош қотира бошлади. Аввалига машинанинг сохта ҳужжатларини тайёрлашга уриниб кўрди. Бироқ бунинг уддасидан чиқолмади. Сўнг автомашинани эҳтиёт қисмларга ажратган ҳолда пуллаш пайига тушди. Шу ниятда двигатель ҳамда кузов рақамларини қўлбола усулда ўзгартирди. Шу вақтда унинг хаёлида яна бир эгри мақсад туғилди...

Афсуски, Дилшоднинг кўнглида нима борлигидан бошқалар бехабар эди. Масалан, анчадан буён машина олиш ниятида пул жамғариб юрган Ғайрат Дилшоднинг «Нексия» русумли автомашинани насияга сотишга, тўғрироғи, пулни бўлиб-бўлиб тўлашга рози эканлигини эшитиб, қувониб кетди. Улар учрашиб савдолашгач, 8000 АҚШ долларига келишишди. Дилшод: «Нексия»нинг ҳужжатларини йўқотганман. Сиз шошилмай пулнинг қолганини тайёрлайверинг, унгача ҳужжатларни ҳам тўғрилаймиз», деганида Ғайрат унинг гапига шубҳа қилмади, аксинча, «Машинани арзонга сотди, энди ҳужжатлари учун талашсам, ноқулай бўлар, қолаверса, ҳужжатни дарров бериб, пулнинг қолганини ҳам сўраса, нима қиламан», деган ўйда индамай қўя қолди.

Бу орада Ғайратнинг қурилиш моллари дўкони Дилшоднинг кунора ташриф буюрадиган масканига айланди. Ҳар гал у «Нексия»нинг янги эгасидан қарзини сўрар, бироқ машинанинг ҳужжатлари ҳақида лом-мим, демасди. Шу орада унинг қилмишлари очилиб қолди.

Тезкор текширувлар натижасида Дилшод Сатторовнинг хуфёна ишларига нуқта қўйилди. Ундан тегишли миқдорда бож тўловлари ундирилиб, айбига яраша жазо тайинланди.

Бу ҳаётда ҳалол яшаш, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, ҳар бир ишни виждонан адо этиш, хусусан, қонун талабларига қатъий риоя этиш фаолиятга ривож, умрга мазмун, кўнгилга ҳаловат бахш этади. Меҳнатга бўйини ёр бермайдиган, оғирнинг устидан юришдан уялмайдиган, мўмай даромад илинжида нопоклидан ҳам тоймайдиган айрим кимсалар эса, охир-оқибат қилмишларига яраша жазо олади. Юқорида баён этилган воқеалар ҳам бу фикрни исботлайди.

С. РЎЗИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Ғиждувон тумани судининг раиси

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФОЕВ, Шерали РАҲМОНОВ, Боқижон ЯҲЁЕВ, Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-716. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7699.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰